

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов интернетда тарқалган миш-мишларга муносабат билдирди



07:03 / 14.05.2020 2697

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов жоме масжидларда Ҳайит намози ўқилиши тўғрисида интернетда тарқалган хабарларга муносабат билдирди:

«Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ноўрин гапларда ҳеч қандай асос йўқ. Шу сабабли ҳар хил гап-сўзларга ишонманг. Масжидларда жамоат намозлари бошланишини Ўзбекистон мусулмонлари идораси расман эълон қилади. Озгина қолди, шунчасига сабр қилдик. Шу сабрнинг орқасидан Аллоҳ кўп енгилликларни беряпти...

Олдимизда Рамазон Ҳайити келяпти. Бу борада ҳам ҳар хил миш-мишларга ишонмасдан, Ҳайит намозини ўқиш қандай тарзда бўлиши ҳақида ваколатли идора — Ўзбекистон мусулмонлари идораси хабар беради».

Шунингдек, муфтий Усмонхон Алимов ҳозирда 70 дан ортиқ қорилар онлайн тарзда Қуръони Карим хатмонасини ўтказаетганини таъкидлаб ўтган.

Аввалроқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси таровеҳ ва жума намозларини масжидларда ўқиш бошланиши ҳақидаги аудиохабар ёлғон эканини билдирган эди.